

PROBLEMS ASSOCIATED WITH ENSURING THE SUSTAINABILITY OF THE DEPOSIT BASE OF COMMERCIAL BANKS

Vohidov Oybek Rozikovich

Independent researcher at Tashkent State University of Economics

vokhidov.oybek@bk.ru

***Annotation.** The article analyzes the state of use of resources of commercial banks in Uzbekistan and the dynamics of time deposits and long-term loans of commercial banks. As a result of the analysis, the negative consequences of the disproportion of resources attracted to commercial banks and their placement in banking activities were identified, and proposals were developed aimed at eliminating them.*

***Key words:** commercial banks, deposit base, monetary funds, long-term loans, time deposits, attracted resources, loan portfolio.*

ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ОБЕСПЕЧЕНИЕМ УСТОЙЧИВОСТИ ДЕПОЗИТНОЙ БАЗЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Вохидов Ойбек Розикович

Независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета

vokhidov.oybek@bk.ru

***Аннотация.** В статье анализируется состояние использования ресурсов коммерческих банков Узбекистана и динамика срочных депозитов и долгосрочных кредитов коммерческих банков. В результате анализа определены негативные последствия диспропорции ресурсов, привлеченных в коммерческие банки, и их размещения в банковской деятельности, а также разработаны предложения, направленные на их устранение.*

***Ключевые слова:** коммерческие банки, депозитная база, денежные фонды, долгосрочные кредиты, срочные депозиты, привлеченные ресурсы, кредитный портфель.*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАР

Вохидов Ойбек Розикович

Тошкент давлат иқтисодийт университети мустақил тадқиқотчиси

vokhidov.oybek@bk.ru

***Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда тижорат банкларида ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва тижорат банклари муддатли депозитлари ҳамда узоқ муддатли кредитлари динамикаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида, тижорат банкларига жалб қилинган ресурслар билан уларни жойлаштиришининг ўзаро номутаносиблиги банк фаолиятида салбий оқибатлари аниқланган ва уларни бартараф этишига қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калим сўзлар: тижорат банклари, депозит базаси, пул маблағлари, узоқ муддатли кредитлар, муддатли депозитлар, жалб қилинган ресурслар, кредит портфели.

Аҳолининг бўш турган пул маблағларини банкка жалб этишда ҳамда юридик шахсларнинг жорий ҳисоб-рақамидаги пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этишда муддатли депозитлар бўйича фоиз асосий рол ўйнайди. Муддатли депозитлар фоизини ўзгартириш, банк тизимидаги рақобатда енгиб чиқиш ҳамда ушбу фоиз ставкани жозибали қилиш орқали иқтисодий субъектлардан депозитга ресурслар жалб қилиш мумкин.



1-расм. Тижорат банкларида ресурслардан унумли фойдаланиш ҳолати¹

Тижорат банкларида муддатли депозитлар фоизи ўзгаришига қарасак, унда 2018-2021 йилларда қолган даврга нисбатан паст бўлган. Хусусан, 2017 йилда жисмоний шахслар депозитларнинг ўртача фоизи 18,0 ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич кескин тушиб кетган ва 15,5 фоизни ташкил қилган. Бунга сабаб тижорат банклари 2017 йилгача жисмоний шахслар депозитларини фақат касса муаммосини ҳал қилишда фойдаланган ва шунинг учун ҳам уларга юқори фоиз таклиф этган. 2017 йил ўртасидан тижорат банкларида нақд пул масаласи ва валюта масалалари ҳал этилиши уларга жисмоний шахслар депозитларига юқори фоиз таклиф қилиш мажбуриятдан холос этган. Кейинги йилларда эса бу фоиз ставка ошишда бўлган.

Шу билан бирга тижорат банкларида аҳолининг муддатли депозитлари ҳам ошган. Статистик маълумотларга кўра тижорат банкларидаги муддатли депозитлар фоизи билан ушбу депозитлар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик жуда пастлиги аниқланди. Хусусан, муддатли депозитлар билан унинг ҳажми ўртасидаги корреляция 0,19 га тенг бўлганлиги юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғини билдиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган кейинги муаммо сифатида тижорат банкларида жалб этилган ресурслар билан уларни жойлаштириш ўртасида трансформация рискининг ошиб кетаётганлигини келтиришимиз мумкин.

Тижорат банкларида трансформация рискинни юқори бўлиб кетишининг олдини олиш учун жалб қилинган ресурслар муддатлари билан уларни жойлаштириш муддатлари ўртасида мутаносибликни сақлаш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими олдида турган асосий муаммолардан бири ҳам айнан ушбу ресурслар муддатлари ўртасида мутаносибликни таъминлашдир.

Таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, тижорат банкларида узок муддатли кредитлар жами кредит портфелида катта салмоққа эга. Хусусан, 2017-2022 йилларда кредит портфелининг 90 фоизи атрофида узок муддатли кредитлар ажратилган. Бу ўз навбатида тижорат банкларига худди шунчалик узок муддатли ресурслар жалб этишни тақазо қилади. Аммо таҳлилларга кўра, тижорат банкларида жами жалб қилинган депозитларнинг 55-60 фоизи муддатли депозитлардир. Шунингдек, ушбу депозитларнинг ярми бир йилгача бўлган депозитлардир.

1-жадвал

Мамлакатимиз тижорат банклари муддатли депозитлари ва узок муддатли кредитлари динамикаси²

(1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
Жами кредит қўйилмалари, трлн.сўм	110,57	167,39	211,58	276,97	326,39	390,05
Узок муддатли кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи	95,7%	94,8%	91,5%	89,8%	89,8%	86,9%
Жами депозитлар, млрд.сўм	59,58	70,00	91,01	114,75	156,19	216,74
Муддатли депозитларнинг жами депозит маблағлари таркибидаги улуши	47,3%	57,3%	61,3%	57,2%	57,7%	57,3%
1 йилдан ортиқ муддатлаги депозитларнинг жами депозит маблағлари таркибидаги улуши	9,1%	27,4%	32,4%	27,5%	28,9%	31,0%

Тижорат банкларида узок муддатли кредитлар сифатида бир йилдан ортиқ муддатга ажратилган кредитлар тушунилишини инобатга олсак, бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар умумий депозитларнинг 30 фоизини ташкил қилмоқда. Шу билан бирга тижорат банкларининг бошқа мажбуриятлари, хусусан, банклараро кредитлар, Марказий банк кредитлари ва бошқа мажбуриятлари қисқа муддатли бўлишини инобатга олсак, бугунги кунда тижорат банкларда ресурслар номутаносиблиги кучайиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Жалб қилинган ресурслар билан уларни жойлаштиришнинг ўзаро номутаносиблиги банк фаолиятида қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ресурслардан самарали фойдаланишни пасайтиради ва уларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар юзага келади;

банкларда трансформация рискинни кучайтиради;

банк тизимида ликвидликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради;

банкларнинг ресурс жалб қилиш билан боғлиқ харажатларини оширади ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади;

банк тизими даромадлари ва фойдаси камайишига олиб келади ва бу эса аҳоли томонидан банк тизимига ишончни пасайтиради.

Шунинг учун ҳам тижорат банкларида ресурслар барқарорлигини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Andros, S., Akimova, L., & Butkevich, O. (2020). Innovations in management of banks deposit portfolio: structure of customer deposit.

Han, R., & Melecky, M. (2013). Financial inclusion for financial stability: Access to bank deposits and the growth of deposits in the global financial crisis. *World bank policy research working paper*, (6577).

Banson, F. A. K., Sey, E., & Sakoe, J. (2012). The Role of Mobile Deposit in Deposit Mobilization in Ghana. *Asian Journal of Business and Management Sciences*, 1-18.

Mushtaq, S., & Siddiqui, D. A. (2017). Effect of interest rate on bank deposits: Evidences from Islamic and non-Islamic economies. *Future Business Journal*, 3(1), 1-8.

Lin, L. (2020). Bank deposits and the stock market. *The Review of Financial Studies*, 33(6), 2622-2658.

Jens Eisenschmidt and Frank Smets (2019). Negative Interest Rates: Lessons from the Euro Area. *European Central Bank Working Paper*.

Ritz, R. A., & Walther, A. (2015). How do banks respond to increased funding uncertainty?. *Journal of Financial Intermediation*, 24(3), 386-410.